

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ, АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.31.01.2019.FM/Т.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

АЛИЖАНОВ ДОНЁРБЕК ДИЛШОДОВИЧ

**ОПТОЭЛЕКТРОН АХБОРОТ-ЎЛЧОВ ТИЗИМЛАРИ УЧУН АФК
ҚАБУЛ ҚИЛГИЧ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) of
technical sciences**

Алижанов Донёрбек Дилшодович Оптоэлектрон ахборот-ўлчов тизимлари учун АФК қабул қилгич ишлаб чиқиш.....	3
Алижанов Донёрбек Дилшодович Разработка АФН – приемника для оптоэлектронной информационно – измерительной системы.....	21
Alizhanov Donerbek Dilshodovich Development of APV - receiver for optoelectronic information - measuring system.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ, АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.31.01.2019.FM/T.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

АЛИЖАНОВ ДОНЁРБЕК ДИЛШОДОВИЧ

**ОПТОЭЛЕКТРОН АХБОРОТ-ЎЛЧОВ ТИЗИМЛАРИ УЧУН АФК
ҚАБУЛ ҚИЛГИЧ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Т1043. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (tdtu.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимов Неъматжон

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахматов Аҳмад Зайниддинович

техника фанлари доктори, профессор

Тачилин Станислав Анатольевич

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.31.01.2019.FM/Т.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел. (71) 246-46-00, факс (71) 227-10-32; e-mail:tstu_info@edu.uz, ТДТУ «Электроника ва автоматика» факультети 232-хона).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел. (71) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.К.Баҳадирханов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси
ф.-м.ф.д., профессор, академик

Б.Э.Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби ф.-м.ф.д., профессор

Н.Ф.Зикриллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги кунда яримўтказгичлар физикаси соҳасининг жадал равишда ривожланишида юқори фотосезгир оптик нур қабул қилгичлар муҳим ўрин эгаллайди. Аномал фотокучланишли (АФК) юпқа пардалар олиш жараёнини бошқариш орқали АФК эффектга асосланган оптик нур қабул қилгичлар яратиш жадал ривожланмоқда. Очiq каналли оптрон қурилмалар яратишда икки ва уч таркибли яримўтказгич асосли АФК қабул қилгичларни тадқиқ қилиш, очiq каналли оптрон қурилмалар яратишнинг физик механизмларини ҳамда техник ечимларини аниқлаш орқали уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда яримўтказгичли оптик нур қабул қилгичларнинг фотосезгирлик самарадорлигини ошириш борасида мақсадли илмий тадқиқотларни олиб боришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, нурлатгич ва оптик нур қабул қилгичлар базасида оптрон яратишнинг мавжуд методларини аниқлаш; оптоэлектрон тизим орқали суяқ моддаларнинг технологик параметрларини белгилаш; оптоэлектрон қурилмаларни математик ҳисоблаш модели орқали модда ва материалларнинг ноэлектрик физик катталикларини назорат қилиш; АФК қабул қилгичларнинг фотоэлектрик хусусиятларини тадқиқ қилиш орқали электромагнит нурларга сезгир оптоэлектрон қурилмалар яратиш ва уларнинг физик механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Юқорида келтирилган тадқиқот йўналишида илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал тадқиқотларга катта эътибор қаратилиб, хусусан, яримўтказгич материаллар асосидаги фотоўзгартиргичларнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш» вазифалари белгилаб берилган¹. Бу борада яримўтказгич асосли материаллардан юқори фотосезгирли ва кенг диапазонли АФК эффектга асосланган оптик нур қабул қилгичлар яратиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришга жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ [Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони](#) // ЎзР ҚХТ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сонли «2017-2021 йилларда Электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. “Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, электрон асбобсозликнинг ривожлантиришнинг устувор йўналиши” доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли яримўтказгич асосли қатламларда АФК эффект самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги илмий тадқиқот марказлари ва университетларида олиб борилмоқда. Хусусан, П.Кришна (Индия), Аян Рой Чаудхури (Ҳиндистон), Дитрих Гессен и Marin Alexe (Великобритания) юқори фотокучланишли пардалар олиш ва улар асосида юқори самарадор фотоўзгартиргичлар яратиш бўйича тадқиқотларни амалга оширган. Шунингдек, Н. Kallmann, U.Pal, G.J. Russell, S. Saha, B.G. Caswell, J.I.Pankove, J. Woods, Н. R. Johnson, R.H. Williams, J.R. Cutter ва бошқаларнинг илмий ва назарий тадқиқотларида турли яримўтказгичлар асосида юқори фотокучланишли юпқа пардалар олиш усуллари, уларда АФК эффект самарадорлигини ошириш имкониятлари, ҳамда уларнинг электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятлари ўрганилган. Ҳозирги пайтда турли яримўтказгич қатламлар асосида АФК қабул қилгичлар яратилган бўлиб, улар асосида фотоўзгартиргичларни янада такомиллаштириш истиқболли ҳамда долзарб масала сифатида сақланиб қолмоқда.

Ўзбек олимлари академик Э.И. Адировичнинг илмий ишларида аномал юқори фотокучланишлар ҳосил бўлиш сабаблари кўрсатиб ўтилган. С.Х.Шамирзаев, Н.Р.Рахимов, Т.Мирзамахмудов, А.Қосимохунова, С.Отажонов ва бошқа олимларнинг ишларида турли яримўтказгич материаллардан АФК пардалар олиш ва уларнинг фотоэлектрик хусусиятларини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқот натижалари асосида АФК эффектга асосланган яримўтказгичли юпқа пардалар олиш ва уларнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини тушунтиришнинг ўзига хос механизм ва моделлари таклиф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон машинасозлик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг БФЗ-003-сонли «Киришмали волтаик эффектга асосланган яримўтказгич негизли микро ва наноўлчамли ноанъанавий ва

муқобил энергия манбаларини яратиш» (2017-2020-йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оптоэлектрон ахборот-ўлчов тизимлари учун аномал фотокучланишли қабул қилгич ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нурлатгич ва оптик нур қабул қилгичлар базасида оптрон яратишнинг мавжуд методларини таҳлил қилиш ва аномал фотокучланишли қабул қилгич асосида очиқ каналли оптрон ишлаб чиқиш;

суяқ моддаларнинг оптик параметрларини оптоэлектрон тизим орқали доимий назорат қилиш;

модда ва материалларни ноэлектрик физик катталикларини бошқариш орқали аномал фотокучланишли эффектга асосланган юқори сезгир оптоэлектрон қурилмаларни математик ҳисоблаш моделини ишлаб чиқиш;

аномал фотокучланишли эффектга асосланган юпқа пардаларни рентген ва ультрабинафша нурларига таъсирчанлигини ҳамда фотоэлектрик хусусиятларини тадқиқ қилиш орқали электромагнит нурларга сезгир оптоэлектрон қурилма яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таркиби 2 ва 3 хил бирикмали яримўтказгич аномал фотокучланишли парда ва аномал фотокучланишли қабулқилгич асосида очиқ каналли оптрон олинган.

Тадқиқотнинг предмети аномал фотокучланишли эффект асосида фотоўзгартиргичларда фотоэлектрик жараёнлар ва улар асосида юқори сезгирли оптоэлектрон қурилмалар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида яримўтказгич асосли юпқа қатламли пардаларда аномал фотокучланишларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари ва спектрал характеристикаларини ўрганиш методлари, оптоэлектрон ўлчов тизимларга аномал фотокучланишли қабул қилгичларни қўллаш, очиқ каналли оптрон ишлаб чиқиш каби технологик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оптоэлектрон ахборот-ўлчов тизимлари учун аномал фотокучланишли қабул қилгич асосида очиқ каналли оптрон қурилма ишлаб чиқилган;

кўп параметрли оптоэлектрон колориметр яратилган;

модда ва материалларнинг ноэлектрик катталикларини ҳисоблашнинг математик модели ишлаб чиқилган;

рентген ва ультрабинафша нурлари учун автоном қабул қилгич яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

- ишлаб чиқилган аномал фотокучланишли қабул қилгич асосидаги очиқ каналли оптрон қурилма оптоэлектрон асбопсозлик ривожланишида муҳим аҳамият касб этган;

- яратилган кўп параметрли оптоэлектрон колориметр суяқ моддаларнинг технологик параметрларини доимий назорат қилиш имконини берган;

- рентген ва ультрабинафша нурлари учун ишлаб чиқилган автоном қабул қилгич оптик нур қабул қилгичларнинг ишлаш соҳасини электромагнит нурлар соҳасигача кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларни тадқиқ қилишда ўлчаш аниқлиги юқори бўлган асбоблардан ва оптоэлектрон мосламаларнинг характеристикалари ва параметрларини текширишда стандарт ва кенг қўлланиладиган замонавий лаборатор ва технологик усуллардан фойдаланилган, шунингдек, илмий хулосалар ва техник ечимлари фундаментал физикавий ва математик тушунчаларга мослиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яримўтказгич юпқа қатламли пардаларда аномал фотокучланишли эффект асосида кам ёритилган соҳаларда ҳам ёруғлик энергиясини электр энергиясига самарали ўзгартириш жараёнларини кенгроқ тасаввур этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, яратилган ва таклиф этилган конструкция ҳамда усуллар янги ишончли, юқори сезгирли ва автоном типли оптоэлектрон фотоўзгартиргичлар ясаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оптоэлектрон ахборот-ўлчов тизимлари учун автоном типдаги аномал фотокучланишли қабул қилгични ишлаб чиқиш асосида:

суяқ моддаларнинг оптик параметрларини оптоэлектрон тизим орқали доимий назорат қилишда нурлантиргич ва қабул қилгич яратиш бўйича «Оптоэлектрон кўп параметрли колориметр»га Россия Федерацияси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№2485484, 2013 й.). Ишлаб чиқилган конструкция суяқ моддаларнинг технологик параметрларини аниқлаш имконини берган;

аномал фотокучланишли эффектга асосланган юпқа пардаларни рентген ва ультрабинафша нурларига таъсирчанлигини ҳамда фотоэлектрик хусусиятларини аниқлаш бўйича «Рентген ва ультрабинафша нурлари учун автоном қабул қилгич»га Россия Федерацияси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№2522737, 2014 й.). Яратилган автоном қабул қилгич оптик нурлар соҳасида ишловчи оптик нур қабул қилгичларнинг ишлаш соҳасини электромагнит нурлар соҳасигача кенгайтириш имконини берган;

яримўтказгич материаллар асосида оптик нур қабул қилгичлар олиш бўйича А5-003 рақамли «Алоқанинг юқори тезликли телекоммуникацион тармоғи спектрал характеристикаларини мукаммаллаштиришнинг усулларини ишлаб чиқиш» (2012–2013 йй.) ва ЕФ4-ФК-0-72548Е А5-003 рақамли «Оптик-толали кенг доирали алоқа тармоқларини текшириш методларини ишлаб чиқиш» (2014–2016 йй.) амалий лойихасида юқори фотосезгирли оптик нур қабул қилгичлар олишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 мартдаги 89-03-1127-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш оптоэлектрон

тизимларда материаллар ва моддаларнинг турли параметрларини доимий назорат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси 5 та халқаро конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та мақола Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг диссертация ишларини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида, 8 таси хорижий илмий нашрларда чоп этилган. 2 та ихтирога Россия Федерацияси патенти олинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 120 бетда ифодаланган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Икки ва уч брикмалар асосидаги яримўтказгичли пардаларда АФК эффект»** деб номланган биринчи бобида аномал юқори кучланишларнинг ҳосил бўлиш жараёни, икки ва уч брикмалар яримўтказгич АФК пардаларда фотоэлектрик хусусиятлар, эффектив АФК парда тайёрлаш усули ва технологияси, юпқа қатламли яримўтказгич пардаларда аномал юқори фотокучланишни янада ошириш имкониятлари ўрганилган. Хусусан, кадмий, теллурид, кумуш, цинк, селен брикмалар структуралар асосидаги фотоэлектрик энергия ўзгартиргичларнинг аҳамияти, улар ишлашининг физик асослари келтириб ўтилган. Тадқиқотнинг вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«АФК қабул қилгич асосида оптрон ва қурилма тузилмасини ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи бобида оптик нур манбалари ва уларни асосий тавсифлари таҳлил этилди. Аномал фотокучланишли юқори сезгир пардалар олиш хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида яримўтказгич юпқа қатламли пардаларнинг самарадорлиги материал таркиби, юпқа парда қалинлиги, тагликнинг ҳарорати, буғлатиш тезлиги, буғлатиш бурчаги каби бир неча омилларга боғлиқлиги ўрганилди.




1-расм. p-n-ўтишли АФК парданинг структуравий кўриниши.


Жадвал-1

Юпқа қатламли пардаларнинг айрим асосий параметрлари:

Намуна рақами	П1	П2	П 5	П 11	П16	П21	П23	П25	П29	П32	П36
Тағлик ҳарорати	100	150	150	200	200	250	250	300	300	350	400
Буғлатиш тезлиги, мг/мин	3	3	0,5	5	3	1	5	0,5	6	5	3
Наъмуна қаршилиги, Ом	10^5	10^5	5×10^5	10^5	10^6	5×10^6	10^6	10^7	10^6	10^6	10^7




2-расм. $V_{АФН}$, R ва $J_{кз}$ катталиқларининг буғлатиш вақтига боғлиқ равишда ўзгариши.



$\beta_1 = 60^\circ$, $\beta_2 = 30^\circ$ (1), $\beta_1 = 150^\circ$, $\beta_2 = 120^\circ$ (2)

3-расм. p-n ўтишли яримўтказгичли юпқа пардаларда АФК эффектнинг буғлатиш бурчагига боғлиқлиги.

Тадқиқотлар яна шуни кўрсатдики, яримўтказгич юпка пардаларнинг қалинлиги 1 мкм бўлганда ҳосил бўлаётган АФН эффект максимал қийматга эришади(4-рам).



4-расм. $V_{АФН}$ нинг яримўтказгич юпка парда қалинлигига боғлиқлиги.

Умумий ҳолда ҳозирги кунда АФК эффектни намуналарда кўплаб сондаги потенциал тўсиқлар кетма-кетлигида ҳосил бўладиган фотокучланишларнинг йиғиндиси сифатида изоҳлаб келинмоқда. Лекин бу ҳар қандай вазиятда АФК эффектини ҳосил бўлишини тўлиқ тушунтириб бера олмайди. Яримўтказгич юпка қатламли пардаларда юқори аномал кучланишнинг ҳосил бўлиш жараёни куйидагича уч босқичли модел билан тушинтирилади:


Биринчидан, фототок $I_{ф0}$ ҳосил бўлиш натижасида фотогенерация ва фазода ҳар бир микро-р-п ўтишда ташувчиларнинг номувозанат ҳолатда тақсимланиши.

Иккинчидан, микро-р-п ўтишда элементар кучланишларнинг пайдо бўлиш босқичида, ҳажмий зарядларнинг тўпланиш натижасида фототокнинг ҳосил бўлиши.

Учинчидан, р-п ўтишда элементар кучланишларнинг йиғилишида аномал юқори фотокучланишни ҳосил бўлиши.

Шунингдек, ишда қалинлиги 1 мкм дан бошланиб босқичма-босқич ортиб боровчи яримўтказгич бирикмалардан поғонасимон шаклдаги АФК парда асосида Х ва Y ўқлари бўйлаб нурланувчи объектнинг йўналиши ва ўзгариш катталиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган икки ўлчовли координатно-сезгир автоном оптик нур қабул қилгич кўриб чиқилган (5-расм).


4-расмдаги графикда фотокучланиш $V_{АФК}$ парда қалинлигига боғлиқлигини таҳлил қилган ҳолда кадмий, теллурид типидagi пардаларда гексагонал ва кубиксимон фаза чегараларида микро-р-п ўтишда элементар кучланишларнинг пайдо бўлиш босқичида, ҳажмий зарядларнинг тўпланиш натижасида АФК эффект ҳосил бўлади деб ҳисоблаш мумкин. Бу типдаги 1 мкм қалинликдаги юпка қатламли пардалар ўзида энг юқори АФК эффектни ҳосил қилади.



5-расм. Координатно-сезгир АФК-парда:

1 – поғонасимон фотосезгир қатлам; 2 – ойнали таглик, 3 – металл контактлар, Φ_0 – монохроматик нур оқими.

АФК-пардага тушаётган Φ_0 нур оқими фотокучланишни ҳосил қилади. Монохроматик Φ_0 нур 1 мкм қалинликдаги поғонадан 2,3 мкм қалинликдаги поғонагача ўзгариш ҳолатига боғлиқ ҳолда ҳосил бўлаётган фотокучланиш $V_{\text{АФК}}$ қалинлик ортишига пропорциональ равишда камайиб боради.



6-расм. Икки ўлчамли поғонасимон фотосезгир АФН-парда:

1 – икки ўлчамли поғонасимон фотосезгир қатлам; 2 – ойнали таглик; 3 – металл контактлар;

Ёруғлик манбалари ва қабул қилгичлар асосида ишлайдиган оптоэлектрон қурилмаларда АФК (аномал юқори фотокучланиш) фотоқабул қилгич оптик сигналларни электрик сигналларга ўзгартирувчи бирламчи элемент сифатида фойдаланилади. Ҳосил бўлган электр сигнали кучланиш кўринишида регистрация бўлиб ёки электрон схемага тушиб, белгиланган параметрларни ажратиб ва қайта ишланиб ўлчанаётган катталик ҳақидаги маълумотни узатади. Шундай қилиб ўзгарган сигнал ўлчанаётган катталиклар билан даражаланган ҳисобловчи қурилмага тушади.

Агар АФК қабул қилгичнинг математик моделига қарасак, у кўп ўзгарувчи функция ҳисобланади ва бу функция ёруғлик оқими Φ , оптик нурланишнинг спектрал таркиби L , ҳарорат T ва намлик B , кўринишида намоён бўлади:

$$U_{\phi} = f(\Phi, T, L, B)$$

АФК қабул қилгичларнинг ёруғлик манбаларини (нурланувчи диод, лазерли диод) оптик нурланишининг ўзгариш коэффициенти:

$$K = \frac{\int_0^{\infty} \varphi_{e,\lambda}(\lambda) S_{\text{отн}}(\lambda) d\lambda}{\int_0^{\infty} \varphi_{e,\lambda}(\lambda) d\lambda} \quad (1)$$

$\varphi_{e,\lambda}(\lambda)$ – манбадан чиқаётган нур оқимининг нисбий тарқалиш спектри; $S_{\text{отн}}(\lambda)$ – АФК қабул қилгич сезгирлигининг нисбий спектрал характеристикаси.

АФК қабул қилгичнинг интеграл сезгирлиги билан нур оқимининг спектрал боғлиқлиги:

$$S_{\text{интФе}} = S_{\lambda,\text{Фе,max}} K, \quad (2)$$

$S_{\lambda,\text{Фе,max}}$ – АФК қабул қилгичнинг ёруғлик оқимиға максимал спектрал сезгирлиги.

АФК қабул қилгичнинг нисбий спектрал сезгирлиги:

$$S_{\lambda,\text{отн}} = S_{\lambda,\text{абс}} / S_{\lambda,\text{max}}, \quad (3)$$

$S_{\lambda,\text{абс}}$ – АФК қабул қилгичнинг абсолют спектрал сезгирлиги; $S_{\lambda,\text{max}}$ – АФК қабул қилгичнинг максимал спектрал сезгирлиги.

АФК қабул қилгичнинг дастлабки частота берилгандаги сезгирлиги:

$$\Phi_n = \frac{S_{\text{отн}}(\lambda)}{S_{\text{I,инт}}} = \frac{U_{\text{ш}}}{U_{\text{и,инт}}}, \quad (4)$$

$U_{\text{ш}}$ – шовқин кучланиш; $S_{\text{I,инт}}$, $S_{\text{и,инт}}$ – АФК қабул қилгичнинг ток ва кучланишли интеграл сезгирлиги.

АФК қабул қилгичнинг дастлабки солиштира сезгирлиги:

$$\Phi_n^* = \Phi_n \sqrt{A \Delta f} = \Phi_{n,I} \sqrt{A}, \quad (5)$$

$\Phi_{n,I}$ – АФК қабул қилгичнинг бошланғич бирлик частота кенглиги сезгирлиги; A – АФК қабул қилгичнинг юзаси; Δf – кучайтирилган соҳанинги частота кенглиги.

АФК фотоқабул қилгични паспортлаштиришдаги ўлчанаётган соҳа учун таклиф қилинаётган частота кенглиги:

$$\Delta f = 0,2 f_M, \quad (6)$$

f_M – паспортлаштиришдаги частота модуляцияси.

АФК қабул қилгичнинг солиштира аниқлаш қобилияти.

$$D^* = \frac{1}{\Phi_n^*}, \quad (7)$$

Φ_n^* – АФК қабул қилгичнинг дастлабки солиштира сезгирлиги.

АФК қабул қилгичнинг ёруғлик оқимиға спектрал сезгирликни нурланиш оқимиға спектрал сезгирлигига қайта ҳисоблаш:

$$S_{\lambda,\text{Фе}} = S_{\lambda,\text{Фv}} K_{\text{max}} V(\lambda), \quad (8)$$

$S_{\lambda,\text{Фе}}$, $S_{\lambda,\text{Фv}}$ – нур оқимиға ва ёруғлик оқимиға спектрал сезгирлик; K_{max} – монохроматик нурланишнинг спектрал максимал самарадорлиги; $V(\lambda)$ – кундузги ёруғлик учун монохроматик нурланишнинг спектрал нисбий ёруғлик самарадорлиги (1-жадвал).

Монохроматик нурланишнинг кундузги кўриш учун спектрал нисбий ёруғлик самарадорлиги

λ , нм	300	400	500	600	700
0	-	0.004	0.323	0.631	0.0041
10	-	0012	503	503	0021
20	-	0040	710	381	00105
30	-	0116	862	265	00052
40	-	023	954	175	00012
50	-	038	995	107	00006
60	-	060	995	061	00003
70	-	091	952	032	00001
80	0.00003	139	870	017	0
90	9 0.00012	208	757	0082	-

АФК қабул қилгичнинг параметрларини берилган ёруғлик ФМК(фотометрик катталиқ)да, энергетик ФМК параметрларда қайта ҳисоблаш:

$$S_{\text{инт.Фе}} = S_{\text{инт.Фв}} K_{\text{max}} k_{\Gamma}; \quad (9)$$

$$\Phi_{\text{н.е}} = \frac{\Phi_{\text{н.в}}}{K_{\text{max}} k_{\Gamma}}, \quad \text{Вм}, \quad (10)$$

$S_{\text{инт.Фе}}$, $S_{\text{инт.Фв}}$ – АФК қабул қилгичнинг ёруғлик оқимига ва нурланиш оқимига интеграл сезгирлиги; k_{Γ} – кўз билан фойдаланилган нурланиш коэффиценти; $\Phi_{\text{н.е}}$, $\Phi_{\text{н.в}}$ – АФК қабул қилгичнинг берилган чизиқ частотада энергетик ва ёруғлик ФМКга дастлабки сезгирлиги.

Нурланишининг битта манбаси учун АФК қабул қилгичнинг энергетик ФМКларда берилган параметрларини нурланишининг бошқа манбаси учун энергетик ФМКлардаги параметрларга қайта ҳисоблаш:

$$S''_{\text{инт.Фе}} = \frac{S'_{\text{инт.Фв}} K''}{k'}; \quad (11)$$

$$\Phi''_{\text{н.Фе}} = \frac{\Phi'_{\text{н.Фв}} K''}{k''}, \quad (12)$$

$S'_{\text{инт.Фв}}$, $S''_{\text{инт.Фе}}$ – АФК қабул қилгичнинг биринчи ва иккинчи манба нурланиши учун нурланиш оқимига интеграл сезгирлиги; $\Phi'_{\text{н.Фв}}$, $\Phi''_{\text{н.Фе}}$ – АФК қабул қилгичнинг берилган энергетик ФМКда частота кенглигига биринчи ва иккинчи манба учун дастлабки сезгирлиги.

АФК қабул қилгич сезгирлигининг кучланиш ва токка ўзаро боғлиқлиги:

$$S_U \approx S_1 R_H, \quad (13)$$

R_H – юкламанинг қаршилиги.

$$U_{\Phi} \approx S_1 \Phi, \quad (14)$$

S_1 - АФК қабул қилгичнинг сезгирлиги.

АФК қабул қилгичнинг кучланиш фотосигнали:

$$U_c = S_U \Phi, \quad (15)$$

S_U - АФК қабул қилгичнинг кучланишкучланишга сезгирлиги.


АФК фотоқабул қилгичнинг математик модели ўзгарувчи катталикларнинг функцияси ҳисобланади: ёруғлик оқими, оптик нурларнинг спектрал таркиби, ҳарорат ва намлик.

Хулоса қилиб айтилганда, оптоэлектрон қурилмаларда АФК қабул қилгичларни кўллаб назорат-ўлчов техникасида ноэлектрик катталикларнинг параметрларини ўлчашда фойдаланиш мумкин, мисол учун зичлик, қалинлик, намлик, ҳаракатланаётган объектнинг кординатаси, ранг, концентрация, юза сатҳи ва бошқалар. АФК қабул қилгичларни автоном оптик нур қабул қилгичлар сифатида оптик толали тизимларда фойдаланиш соҳа йўналишларида истиқболли ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Биринчи ўзгартиргичлар яратиш учун АФК қабул қилгичларни тадбиқ этиш асослари**» деб номланган учинчи бобида очиқ каналли оптик жуфтликларни ҳисоблаш ҳамда яримўтказгичли АФК парда асосида оптик нурларни қабул қилувчи қабул қилгичлар устида амалий тадқиқотлар ўтказилди. Рентген ва ультрабинафша нурлари учун юқори сезгирликдаги автоном ишлайдиган қабул қилгич яратилди².

АФК парда асосли автоном қабул қилгич герметик берк акслантирувчи ярим сферик қоққоқ билан ёпилган. Рентген ёки ультрабинафша нурлари фотосезгир қатламдан ўтади ва тагликдан аксланиб акслантирувчи қоққоққа тушади, қоққоқдан аксланган нур яна қайтиб фотосезгир қатламга тушади. Шундай қилиб АФК парданинг самарадорлиги 50% гача ортади.

Оптик нурланишларни қабул қилгичлар интеграл-сезгир қабул қилгичлар таркибига киради, лекин уларни рентген ва ультрабинафша нурларини қайд этиш учун биринчи элемент сифатида регистраторларда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари улар оптоэлектрон ва робототехника қурилмаларида турли нурланиш оқимларини қабул қилиш учун фойдаланилади.




7-расм. Рентген ва ультрабинафша нурлари учун автоном қабул қилгич.

²Автономный приёмник для регистрации рентгеновского и ультрафиолетового излучения / Д.Д. Алижанов, Н.Р. Рахимов, В.А. Жмудь, Ш.И. Мадумаров // НИТУ – патент № 2522737 Опубликовано: 20.07.2014 Бюл. № 20.


Расмда рентген ва ультрабинафша нурлари учун автоном қабул қилгичнинг тузилиши берилган бўлиб: 1-кристал теллурид кадмийли АФК пардадан иборат фотосезгир қатлам; 2-ойнали пластинка; 3-метал контактлар; 4-осмий-кремний ёки осмий-скандий-кремнийли акслантирувчи қоплама; 5-ярим сферик шаклидаги қопқоқ (осмий-кремний ёки осмий-скандий-кремнийли); 6-метал корпус; 7-туйнук; 8-махкамлаш учун таянч.

Ушбу рентген ва ультрабинафша нурлари учун автоном қабул қилгичнинг устунлиги бошқа қабул қилгичларга нисбатан юқори сезгирликка эга эканлиги ва ишлаш жараёнида ток манбаисиз ишлай олишидадир.



8-расм. Олд томондан ёритилганда CdTe-ZnSe гетеротузилмали АФК пардада $I_{\text{фп}}$, $I_{\text{кз}}$ спектри.


Ишлаб чиқилган автоном қабул қилгич куйидагича ишлайди: туйнук орқали монохроматик ёки бошқа нур оқими Φ_0 манбадан тушади, рентген ва ультрабинафша нурлари фотосезгир қатламдан (1) ўтиб осмий-кремний ёки осмий-скандий-кремнийли акслантирувчи қопламага (5) тушади ва аксланиб ярим сферик шаклидаги қопқоқга тушади. Қопқоқдан аксланган нур яна қайтиб фотосезгир қатламга тушади. Тушаётган нур фотосезгир қатламни кўп маротаба кесиб ўтиши натижасида нурнинг фотокучланишга ўзгариш самарадорлиги ортади.



9-расм. Олд томондан ёритилганда CdTe-ZnSe гетеротузилмали АФК пардада $I_{\text{фп}}$ спектри: 1– киритилаётган майдон кутбланиши АФК кутбланишига мос тушганда ва қарама қарши жойлашганда – 2. $U_{\text{вн}} = 14 \text{ В}$.

Шундай қилиб АФК миқдорининг самарадорлиги амалиётда 50% гача ортиши белгиланди.

Диссертациянинг «Оптоэлектрон ахборот-ўлчов тизимлари учун АФК қабул қилгичларни тадбиқ этиш» деб номланган тўртинчи бобда яримўтказгич бирикмалардан олинган АФК пардалар асосида оптоэлектрон датчиклар ишлаб чиқилди. Оптоэлектрон кўппараметрли колориметр яратилиб³, суяқ моддаларнинг физико-кимёвий таркибини аниқлаш учун АФК қабул қилгичлардан фойдаланиш кўриб чиқилган. Шунингдек АФК қабул қилгичларни ахборот-ўлчов системалари учун истиқболли қўлланилиши белгилаб берилди.



10-расм. АФК-қабул қилгич ёрдамида суяқ моддаларнинг физико-кимёвий таркибини аниқлаш усули.

Суяқликларнинг рангини текшириш учун текшириляётган объект иккита тўлқин узунлигидаги λ_1 (яшил) ва λ_2 (қизил) нурлантирувчи диод нур оқими билан нурлантирилади.

Ламберт-Бер қонунига мувофиқ текшириляётган суяқлик қатламидан ўтаётган λ_1 ва λ_2 тўлқин узунлигидаги нур оқими қуйидагича кўринишга эга:

$$\Phi_{\lambda_1} = \Phi_{0\lambda_1} e^{-k_1 d}; \quad (16)$$

$$\Phi_{\lambda_2} = \Phi_{0\lambda_2} e^{-(k_1+k_2)d} = \Phi_{0\lambda_2} e^{-k_1 d} + \Phi_{0\lambda_2} e^{-k_2 d} \quad (17)$$

$\Phi_{0\lambda_1}$, $\Phi_{0\lambda_2}$ - нурлантирувчи диодлардан тушаётган нур оқими; Φ_{λ_1} , Φ_{λ_2} – текшириляётган суяқлик қатламидан ўтган нур оқими; k_1 – ютилиш коэффициенти; k_2 -рангга боғлиқ ютилиш коэффициенти; d - текшириляётган суяқлик қатламининг қалинлиги.

Бошланғич нур оқимларини тенглаб $\Phi_{0\lambda_1} = \Phi_{0\lambda_2}$, қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$\frac{\Phi_{\lambda_1}}{\Phi_{\lambda_2}} = \frac{\Phi_{0\lambda_1} \cdot e^{-k_1 d}}{\Phi_{0\lambda_1} \cdot e^{-k_1 d} \cdot e^{-k_2 d}} = e^{k_2 d} \quad (18)$$


³Оптоэлектронный многопараметровый колориметр /Б.Н Рахимов, Е.Ю. Кутенкова, Д.Д. Алижанов, Ш.И. Мадумаров. // СГГА - патент № 2485484 Опубликовано: 20.06.2013 Бюл. № 17.

Ушбу ифодадан кўришиб турибдики, $d = \text{const}$ бўлганда, берилган нур оқимлари λ_1 ва λ_2 тўлқин узунлиги назорат қилинаётган модданинг рангига пропорционал бўлади. Ишлаб чиқилган таркибий схемадан фойдаланиб, қурилма суюқ муҳит рангини автоматик равишда назорат қилади.

Оптоэлектрон асбобларнинг ишлаб чиқаришдаги вазифаси маҳсулот ва технологик жараёнларни физик-кимёвий параметрлари ҳақида маълумот билан таъминлашда уларга қўйилган қатор талаблар билан боғлиқ: симсиз бошқарув, юқори сезгирлик ва аниқлик, тезкорлик, кичик ҳажмлилик, оддийлик ва ишончлилик.

Оптоэлектрон назоратнинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай модда нур чиқаради ёки ютади ёки қайтаради. Шунинг учун модданинг физик-кимёвий таркиби ва унинг таркибий элементларининг миқдорий нисбати ёритилганлик, ёруғлик ютилиши, қайтиш бурчаги ва моддалар билан ёруғлик нурининг бошқа ўзаро таъсир хусусиятларининг ўзгаришига боғлиқ.

Оптоэлектрон кўп параметрли колориметр узатувчи генератор, диодлар, ўлчовчи фотоқабул қилгичлар, диодлар билан оптик боғланиш, фотоэлектрик сигналларни қайта ишловчи блок, текширувчи прибор билан боғланиш учун чиқиш жойи, ёпиш учун кран ва варонкани боғловчи ва таҳлил қилинаётган суюқликни ўтказиб турувчи кювета, коммутатор битта оптик жуфтликдан нурланишни қайта ёқиш учун, кювета иккита ярим цилиндрли бир бирига ўхшаш цилиндрсимон кварцдан қилинган, икки акслантирувчи юзали ясси ойнага икки томонлама маҳкамланган, лазерли диодлардан фойдаланиб мужассамлаштирилган ва олдиндан маълум бўлган ярим шаффоф суюқликнинг n параметрли спектрал характеристикалари танлаб олинади. Бундан ташқари, таянч оптик жуфтлик: лазерли диод-фотоқабул қилгич ўлчов натижалари ишончлилигини таъминлаш мақсадида синаб олинади.




12-расм. Оптоэлектрон кўп параметрли колориметр блок-схемаси.

Блок схемада 1 узатувчи генератор (импульсли манба таъминоти), 2 коммутатор, 3 таянч лазер диоди, 4;5;6;7; (n-1) лазерли диодлар, 8 иккала

юзаси акслантирувчи ясси ойна, 9 таҳлил қилинаётган объект (суюқлик), 10 таянч фотоқабулқилгич, 11;12;13;14; (n-1) ўлчовчи фотоқабулқилгичлар, 16 фотоэлектрик сигнални қайта ишловчи блок, 17 таҳлил қилувчи прибор(мисол учун ЭХМ), кювета иккита ярим цилиндрли бир-бирига ўхшаш цилиндрсимон кварцдан қилинган, икки акслантирувчи юзали ясси ойнага икки томонлама маҳкамланган.

Конструктив ясалган оптоэлектронли кўп параметрли колориметр датчиги 15 кювета, 8 икки акслантирувчи юзали ясси ойна ҳамда кюветага уланган ўлчов ойнали воронка, 9 воронкага қуйилган таҳлил қилиниши керак бўлган суюқлик, 19 текширилаётган суюқлик оқимини очиб ёпиб туриш учун кран ва 20 датчикнинг корпус қисмидан иборат.

Қурилма қуйидагича ишлайди: узатувчи генератор (1) ёқилганида ўзидан 8-10 Гц импульс ишлаб чиқаради. Коммутатор-оптик жуфтликларни (2) ёқиб-ўчирувчи орқали импульслар бўлиниб навбат билан лазерли светодиодларга (4,5,6,7),(n-1) спектрал характеристикалари аниқ бўлган n параметрли спектрал характеристикаларга мос келувчи ярим шаффоф суюқликга тушади. Шунинг учун оптик жуфтликларни бирма-бир ишга тушириш мумкин.



13-расм. Конструктив ясалган оптоэлектрон кўп параметрли колориметр.

Қурилмага ўрнатилган лазерли диод (3) ва ўлчовчи фотоқабул қилгич (10) таянч оптик жуфтликни ташкил қилади, бу ўлчанаётган сигналларни таянч канал сигнали билан солиштириш ва ўлчов натижаларини ишончлилигини таъминлаш имконини беради. Цилиндрсимон кювета (15) бўшлиғи текширилаётган суюқлик (9) билан тўлдирилиб лазерли светодиод нурлантирилади. Биринчи ҳолатда нур оқимини ёқиб ўчиргич лазер диодини (4) фокуслантириб, текширилаётган суюқлик (9) орқали ўтиб, икки

акслантирувчи юзали ясси ойнадан (8) қайтади, ва яна текширилаётган суюқликдан ўтиб фотоқабул қилгичга (11) тушади. Сўнгра сигналлар фотоэлектрик сигналларни қайта ишловчи блокка (16) тушади.

Сигнал суюқ модданинг ёки шаффоф каттик жисмнинг оптик зичлигига ва ўтказувчанлик коэффициенти катталигига пропорционал боғлиқ, шунингдек аралашмадаги модда концентрациясини олдиндан ўлчанган характеристикалар ёрдамида ҳам ўлчаш мумкин.

Натижалар суюқ модда параметрларини таҳлил қилувчи ўлчов прибори ёки ЭХМга (17) таҳлил учун узатилади. ЭХМ автоматик тарзда аналог-рақамли ўлчовларни ўзгартириш, ҳисоблаш жараёни, қабул қилинган маълумотни жўнатиш, буйруқ ва бошқа ишчи маълумотларни, зарурий функциялашган оптоэлектрон кўп функцияли автоматик бошқарув-ўлчов системаларни тартибга келтиришни таъминлайди. 2-расмда кўрсатилганидек барча конструкция корпусга (20) жойланади, қурилманинг ўзини технологик жараёндаги тармоққа ўрнатиб, стрелкада йўналтирилган труба орқали оқаётган суюқликни доимий таҳлил қилиш мумкин.

ХУЛОСА

Ўтказилган кўп мартабали адабиётлар таҳлили ва амалий ишлар шуни кўрсатадики, АФК қабул қилгич очик каналли оптронларда автоном оптик нур қабул қилгич сифатида истиқболли элемент ҳисобланади.

Олинган натижалар таҳлилларидан қуйидагича хулоса қилинади:

Оптоэлектрон ахборот-ўлчов тизимлари учун нурлатгич ва оптик нур қабул қилгичлар базасида оптрон яратишнинг мавжуд методлари таҳлил қилиниб, очик каналли оптрон ишлаб чиқиш учун аномал фотоқабул қилгич асосида оптрон ишлаб чиқилди;

Аномал фотоқабул қилгичли очик каналли оптронларнинг оптик хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида суюқ моддаларнинг технологик параметрларини назорат қилувчи оптоэлектрон кўп параметрлик колориметр яратилди (ихтирога РФ патенти олинган (№ 2485484, 20.06.2013 й.);

Аномал фотокучланишли қабулқилгичларнинг спектрал харатеристикасига асосланган ҳолда модда ва материалларнинг ноэлектрик катталикларини ҳисоблашнинг математик модели ишлаб чиқилди ва уларнинг ноэлектрик катталикларини ўлчаш ҳамда доимий назорат қилиш имконияти яратилди;

Яримўтказгичли аномал фотокучланишли пардаларнинг фотоэлектрик хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида рентген ва ультрабинафша нурларида ишлашга мўлжалланган юқори сезгирли оптоэлектрон қурилма яратилди (ихтирога РФдан 2522737-сон патент олинди, 20.07.2014 й.).

Яримўтказгичли аномал фотокучланишли пардага асосланган оптрон асосида нефть ва нефть маҳсулотларини технологик параметрларини бузмасдан оптоэлектрон назорат қилиш усули ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.31.01.2019.FM/Т.03.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, АНДИЖАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

АЛИЖАНОВ ДОНЁРБЕК ДИЛШОДОВИЧ

**РАЗРАБОТКА АФН-ПРИЕМНИКА ДЛЯ ОПТОЭЛЕКТРОННОЙ
ИНФОРМАЦИОННО-ИЗМЕРИТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована № В2019.2.PhD/T1043 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Рахимов Нейматжон,**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Рахматов Ахмад Зайниддинович,**
доктор технических наук, профессор

Тачилин Станислав Анатольевич,
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Каракалпакский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.31.01.2019.FM/T.03.05 при Ташкентском государственном техническом университете, Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Здание факультета «Электроника и автоматика» ТГТУ, аудитория № 232. Тел. (71) 246–46–00, факс (71) 227–10–32, e-mail: tstu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел. (71) 246–03–41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(Реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2019 г.).

М.К.Бахадирханов,
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, академик
АН РУз, д.ф.-м.н., профессор

Б.Э. Эгамбердиев,
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.,
профессор

Н.Ф. Зикриллаев,
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время одной из важных проблем в мире в сфере физики полупроводников, развивающихся ускоренными темпами, считаются фоточувствительные приемники оптического излучения. Применение приемников с аномально высоким фотонапряжением (АФН) как приемников оптического излучения (ПОИ) в оптоэлектронных измерительных системах всё больше привлекают внимание специалистов. Одной из важных задач является изучение оптических АФН-приемников на основе двойных и тройных полупроводниковых соединений для разработки оптрона открытого канала и повышение их эффективности путем изучения физических механизмов, а также определения технических свойств оптрона открытого канала.

В настоящее время особое внимание уделяется проведению целенаправленных исследований по повышению эффективности фоточувствительности полупроводниковых приемников оптического излучения, в том числе изучению методов создания оптрона на основе излучателя и приемника оптического излучения, методов контроля оптических параметров жидких сред в оптоэлектронных системах; исследованию расчета математической модели оптоэлектронного устройства на основе АФН-эффекта путем контроля физической величины вещества и материалов; обнаружению чувствительных оптоэлектронных устройств к электромагнитному излучению и их физических механизмов путем исследования фотоэлектрических свойств АФН-приемников. Отмеченные выше научные исследования считаются важными задачами.

В нашей стране большое внимание уделяется фундаментальным исследованиям, в частности научным исследованиям по повышению эффективности фотоэлектрических преобразователей на основе полупроводников. Стратегия развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы⁴ основана на «... стимулировании научных исследований и инноваций, создании эффективных механизмов внедрения научных достижений и инновационной практики, высших учебных заведений и профильных научно-исследовательских институтов, экспериментальных лабораторий, высокотехнологичных центров и технопарков организаций». В связи с этим важно создавать высокочувствительные и широкодиапазонные приемники оптического излучения из полупроводниковых материалов на основе АФН-эффекта, повышать их эффективность и внедрять в производство.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, определённых в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе № УП-2772 от 13 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию

⁴Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

управления, ускоренному развитию и диверсификации электротехнической промышленности на 2017-2021 гг.» и Указе №УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации, руководства и финансирования деятельности и научно-исследовательской работы Академии наук», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан – ППИ-3. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение, развитие современной электроники, микроэлектроники, электронного приборостроения.

